



**XOTIN-QIZLAR FAN VA TEXNOLOGIYADA -2023
HUDUDLARARO FORUM TO'PLAMI**



ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ

Шахноз Хикматовна Самиева
Бухоро давлат университети (Ўзбекистан)

Сўнги йиллар мобайнида Янги Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий ислохотларни янада чуқурлаштириш, илм-фан соҳасининг барча тармоқларини ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Шу ўринда таъкидлаш мумкинки, жамиятимизнинг бирон-бир жабҳасини аёллар ва хотин-қизларнинг иштирокисиз тасаввур этиб бўлмайди. Аёлларнинг жамиятдаги ўрни, нуфузини ошириш, маънавий баркамол, комил авлодни тарбиялашда Аёлларнинг ўрни беқиёслиги мамлакатимизда қабул қилинаётган Фармон ва қарорларда ҳам белгилаб борилмоқда. Жумладан Ўзбекистон республикасининг Биринчи Президенти “Эртанги кунимиз вориси, Ватанимиз таянчи, юртимиз ободлиги ва фаровонлигини янада оширишда фидокор инсон бўлиб етишишида аёлларнинг муҳим хиссаси бор” деб таъкидлаганлар²⁴.

Бугун Ўзбекистон аёллари ҳар бир жабҳада ўз ўрнига эга бўлиб бораётганини барчамиз бевосита амалда кўриб, чуқур ҳис этмоқдамиз. Ўтган йили юртимиз тарихида биринчи марта миллий парламентда аёллар сони бугунги кўрсаткичга кўтарилгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Гап шундаки, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига сайланган депутатларнинг 30 фоиздан ортиғини хотин-қизлар ташкил этди. Сенатда эса бу кўрсаткич қарийб 25 фоизга етди.

Бугунги кунда Янги Ўзбекистонда аёлларнинг илм-фан соҳасида жамиятдаги ўринларининг юксак аҳамиятга эга эканлигидан далолат беради. Бундан кўриниб турибдики, аёллар жамиятда катта куч ҳисобланиб, баркамол авлод тарбияси уларнинг олдига катта вазифаларни қўяётганини доимо ҳар биримиз ҳис қилишимиз лозим.

Илм-фан мамлакат тараққиёти ва фаровонлигининг асосидир. Айниқса, барча соҳада янгиликларга интилиш ҳамда рақобат кучайиб бораётган бугунги давр иқтисодий салоҳиятни мустаҳкамлаб бориш учун илғор илмий ишланмалар ва техникавий ютуқлардан самарали фойдаланишни талаб этмоқда.

Шиддат билан ўзгараётган замон барча соҳалар қаторида илм-фанни ҳам янги босқичга кўтаришни талаб қилмоқда. Жамият олдида турган долзарб масалаларни ечишда фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, таълим тизимини ривожлантириш, инновацион иқтисодиёт тараққиётига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлатимизнинг устувор вазифаларидан бири мазкур соҳани ва олимларни қўллаб-қувватлашдан иборатдир.

Аёлларнинг жамиятдаги ролини ўрганиш ҳам индивидуал, ҳам хусусий даражада кенг қўламли ижтимоий муаммоларни фаол ҳал қилишга чақирилган бўлажак мутахассислар учун зарурдир. Олинган билимлар талабаларнинг нафақат касбий, балки ахлоқий фазилатларини шакллантиришга ёрдам беради. Ўзбек аёллари кўл урмаган соҳа йўқ. Бинобарин, хотин-қизларнинг оилада, давлат ва жамият қурилишдаги, ижтимоий фаоллигини ошириш уларнинг онги, тафаккури, интеллектуал салоҳиятига боғлиқ. Аёлларнинг фан-техника сирларини пухта эгаллашлари, шу тариқа ўз қобилиятлари ва имкониятларини жамият тараққиёти учун йўналтиришлари халқ, миллат ва мамлакат келажаги йўлида ижтимоий фаол бўлиш гаровидир.

Ўзбекистон республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов Ўзбекистон Республикаси мустақиллик байрамига бағишланган табрик сўзи. “Халқ сўзи”, 2013 йил 1 сентябрь.

Кўпгина тадқиқотчилар таъкидлашларича, эркак эркак бўлиб, аёл бу жамиятда қабул қилинган ролларини ассимиляция қилиш жараёнида аёлга айланади. Бироқ, роль шахснинг онгига сингдирилган фақат ижтимоий меъёр эканлигига ишониш маъносиз бўлар эди. Кўп жиҳатдан, бу эркаклар ва аёлларда фарқ қиладиган хулқ-атвор мотивлари билан ҳам белгиланади.

"Роль" атамаси 1920-1930 йилларда J. Mead ва P. Linton томонидан илмий фойдаланишга киритилган. J. Mead ўз тушунчаларини тақдим этаётганда, ушбу атамани нутқ алоқаси жараёнида шахсларнинг ўзаро таъсирини тушунтириш учун "бошқасининг ролини олиш" ғоясини ишлаб чиқишда ишлатган. Дарҳақиқат, роль тушунчаси театр соҳасидан олинган бўлиб, у ерда ижтимоий хулқ-атворнинг бир қатор ҳодисалари учун метафора сифатида ишлатилган.

Илм-фан – ҳар қандай давлатнинг бугунги куни ва келажакни белгилайдиган муҳим соҳадир. Ўзбекистон замини жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиёти йўналишини маълум даражада белгилаб берган улуғ алломалари, буюк мутафаккирлари билан шуҳрат қозонган.

Қадимдан аёл ўчоқнинг кўриқчиси, уй бекаси бўлиб келган, ташқи дунё билан боғлиқ бўлган ҳамма нарсани эркак ўз зиммасига олган ва бу, албатта, эркакларга аёлни мақомидан анча паст деб ҳисоблаш ҳуқуқини берган. Ҳозирги тараққиёт, илмий кашфиётлар ва феминизм даврида вазият кескин ўзгариб, аёлнинг жамиятдаги ўрни, замонавий дунёдаги аёл роли ҳақидаги фикрларини қайта кўриб чиқишга мажбур қилади.

Жамиятда аёлнинг роли энди турмуш вазифаларини бажариш, фарзандларга ғамхўрлик қилиш, уларни тарбиялаш ва турмуш ўртоғига хизмат қилиш билан чекланмай, профессионал касби бўйича муваффақиятга эришиши, жамиятда ўз ўрнига эга бўлиши ҳам лозим. Аёллар илм-фан, таълим-тарбия ва ислоҳотлар жараёнининг фаол иштирокчисига айланиб улгурди. Ушбу соҳаларда аёл кадрларни жадал кўпайтириш, Ўзбекистонда интеллектуал имкониятларни кескин даражада ошириш учун зиёли аёллар олдига турган вазифалар нималардан иборат?

Бизнингча, Янги Ўзбекистонда буюк ишларни давом эттиришга қурби етадиган давлат бўлиб, ҳеч кимдан кам бўлмасдан ҳаётга кириб келаётган етук, мустақил фикрлайдиган янги авлодни камол топтириш, ўз олдига олийжаном мақсадлар қўйган, илму фан чўққиларини эгаллашга бел боғлаган, қийинчилик ва синовлар олдига бош эгмайдиган, эртанги ҳаётимизнинг ҳал қилувчи кучи бўлиб майдонга чиқадиган соғлом, баркамол, мард ва шижоатли ёшларнинг қандай таълим-тарбия олиши албатта аёлларга боғлиқдир. Уларнинг онги, қалбига нима ёзилса, уларнинг келажак ҳам шундай бўладики, жамиятнинг қиёфаси аёлларнинг руҳиятига боғлиқдир. Зиёли аёллар ҳам бундан мустасно эмас.

Аёлларнинг илм-фан билан шуғулланиши барча замонларда ҳам машаққат талаб қилган. Илм-фан соҳасида юксак мукофотларга сазовор бўлган аёллар ҳақида мисоллар келтиришимиз мумкин, бу эса ҳақиқатда аёллар нозик хилқат, ақлу идрок соҳиби, жамиятнинг тўлақонли, фаол аъзоси эканлигидан далолат беради. Замонавий аёлларнинг илм-фан, сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий соҳалардаги фаоллиги барча жабҳаларда намоён бўлмоқда.

Ўзбекистонда илм-фан кўп асрлар давомида авлоддан-авлодга ўтиб келмоқда. Ўзбек заминидан Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Фарғоний, Абу Али ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби ва жаҳон илм-фани хазинасига улкан ҳисса қўшган бошқа кўплаб буюк олимлар, мутафаккирлар етишиб чиққан.

Мамлакатимиз олимларининг бугунги авлоди жаҳон илм-фанининг буюк ижодкорлари, шунингдек, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ташкил топиши ва ривожланишига салмоқли ҳисса кўшган кўплаб вакиллари номини мамнуният билан эсга олади. Бугун Ўзбекистон олимлари мамлакатимиз илм-фанини янада ривожлантириш учун мустаҳкам пойдевор.

“Илм олмоқ ҳар бир эркак ва аёлнинг бурчидир” – дейилади Ҳадиси шарифда. Илм эгалламоқ олий саодат бўлса, уни эзгу ишларга сарфламоқ бахт довоининг энг баланд чўққисидир. Шарқ мамлакатларида яратилган бадий асарларга назар ташласак, ижтимоий ҳаётга хос ҳамма гўзалликлар, жумладан, табиатга хос кўркамлик ҳам аёллар тасвири орқали акс эттирилган. Муқаддас “Авесто” китобида ҳам аёл қалбининг буюк салоҳияти она замин билан тенглаштирилган. Алломаларимиз, мутафаккиру-мусаввирларимиз асарларида ҳам аёлларга хос боқий назокат, сабр-қаноат билан бир қаторда уларнинг ўз фарзандлари ва оила олдидаги, шунингдек, умуман инсон ва олам олдидаги бурч ва масъулиятлари эҳтиром билан тараннум этган.

Ўзбек аёлининг ҳақиқий қиёфасини тасаввур қилмоқ учун у босиб ўтган узоқ йўлга, аввало унинг ўтмишига, сўнгра эса кечаги ва бугунги кунига чуқур назар ташлаб, унинг келажаги ҳақида ҳаёл қилмоқлик мумкин. Амир Темур ва темурийлар сулоласига мансуб бўлган, соҳибқироннинг онаси Тагинабегим ва суюкли рафиқаси Сароймулкхоним, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг бувиси Эсон Давлатбегим каби аёлларимиз жамият ҳаётидаги маълум бир мавқега эга бўлиб, улар орасидан буюк ҳукмдорлар, оқила илм ли аёллар, етук донишандлар, олималар, буюк шоирлар етишиб чиққанлар.

Бугунги кунда аёллар - бу ўқитувчилар, олималар, раҳбарлар ва мамлакатлар Президентлари бўлиб, улар икки томонлама фаолиятни, яъни профессионал ва оилавий фаолиятни амалга ошириш, гендер тенглигига эришиш, жамиятда ўзига бўлган ишонч туйғусини шакллантириши лозим.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, ҳозирги кунда аёллар илм-фан ва жамиятнинг бошқа соҳалари учун аниқ кўзгуси ҳисобланади. Аёлларимизнинг жисмонан бақувват бўлиши бизнинг бундан кейинги тараққиётимизнинг муҳим заминларидан ҳисобланади. Бугунги кунда кўплаб ёш қизлар, аёлларимизнинг асосий мақсади ижтимоий – иқтисодий ислохотлар жараёнида фаолликни ошириш, юксак маънавий фазилатларни мужассамлаштириш, миллий тафаккурни шакллантиришдан иборат. Ёшларни маданий, тарихий анъаналаримизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш, тадбиркорлик ва касб – ҳунарга ўргатиш бугунги куннинг долзарб масалаларига айланди.

Использованная литература

1. Самиева Ш. Х., Маджидова М. Х. Эстетическое мировоззрение как один из компонентов образования и воспитания. – 2020.
2. Самиева Ш. Х., кизи Усмонова Г. Х. НАУЧНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ И ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ МОЛОДЕЖИ //Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-38.
3. Самиева Ш. Х., кизи Усмонова Г. Х. НАУЧНЫЕ НАПРАВЛЕНИЯ РАЗВИТИЯ ТВОРЧЕСКИХ И ИНТЕЛЛЕКТУАЛЬНЫХ СПОСОБНОСТЕЙ МОЛОДЕЖИ //Eurasian Journal of Social Sciences, Philosophy and Culture. – 2022. – Т. 2. – №. 4. – С. 35-38.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲОЛАТЛАРИ (НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)

Д.М.Рўзиева, Йўлдошева М., Бўстонова У.

Навоий давлат педагогика институти

Бугунги кунда мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотлар ўз навбатида хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг барвақт олдини олиш ҳамда турли салбий иллатларга қарши курашиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш борасида бир қатор ишлар амалга оширилишида хизмат қилинмоқда.

Хотин-қизлар кўмитаси ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан олиб борилган профилактик саъй-ҳаракатлар натижасида республика бўйича хотин-қизлар жиноятчилиги мос равишда 2016 йилда 5 фоизга, 2017 йилда 11 фоизга камайган бўлса, 2018 йилда 35,7 фоизга, 2019 йилнинг шу даврига нисбатан 32,7 фоизга камайишига эришилган²⁵. Бу ҳолатни Навоий вилояти мисолида Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитасининг маълумотларидан ҳам кўриш мумкин: Жиноят содир этишда аниқланган аёллар сони 2020 йилда 197 кишини ташкил этган²⁶.

Навоий вилоятида 2017 йил давомида хотин-қизлар томонидан 471 та жиноят ва ҳуқуқбузарлик ҳолатлари содир этилган. Навоий, Зарафшон шаҳарлари, Кармана, Хатирчи, Учқудуқ туманларида ҳуқуқбузарликлар сони ортган. Жиноятчилик ва ҳуқуқбузарлик ҳолатларининг келиб чиқишига аввало, оиладаги носоғлом муҳит, иктисодий етишмовчилик, ишсизлик, ўз манфаати йўлида ноқонуний ишларга қўл уриш орқали бойлик орттириш интилиш каби салбий ҳолатлар бош омиллари саналади. Бунинг олдини олиш борасида барча туман ва шаҳарларда Вилоят хотин-қизлар Кўмитаси томонидан “Маҳалламизни жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантирамиз”, “Хотин-қизлар ва қонун” мавзуларида тарғибот тадбирлари, учрашувлар ўтказилган. Натижада 2017 йилда 429 нафар аёл иш билан таъминланган.

Маҳаллалар, жамоатчилик назорати кенгашлари томонидан 267 та нотинч оила аниқланган. Бундай оилаларда нотинчликнинг сабаблари ўрганилиб, муаммоларнинг ижобий ҳал этилишига эришилган, натижада 164 та оилавий ажримларнинг олди олинган²⁷. 2017 йилда республика бўйича айнан жамоатчилик вакиллари, Яраштириш комиссияси, “Қайноналар кенгаши” аъзолари билан биргаликда олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида 14 мингдан ортиқ оилалардаги нотинчликлар бартараф этилди.

Республика бўйича 2017 йилнинг 11 ойи давомида 8 мингдан зиёд хотин-қизлар ўртасида жиноятчилик аниқланган. Жойлардаги хотин-қизлар фаолларининг ички ишлар тизими ходимлари билан яқин ҳамкорлиги натижасида бу кўрсаткич 2016 йилга нисбатан 14 фоиз камайган²⁸.

Навоий вилоятида хотин-қизлар жиноятчилигининг таҳлили кейинги йилларда кескин камайганлигини кўрсатади. Жумладан, 2010 йилда жиноят содир этган аёллар сони 354 тани ташкил этган бўлса, 2020 йилда 197 тани ташкил этган²⁹.

²⁵Ўзбекистон Хотин-қизлар кўмитаси жорий архиви, 2019 йил маълумоти.

²⁶Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси 2011-2020 йил маълумотлари.

²⁷Навоий вилояти хотин-қизлар кўмитасининг жорий архиви, 2017 йил маълумоти.

²⁸Маруфова Г. Ҳар бир аёл ўз ҳаётидан рози бўлиб яшасин // Халқ сўзи, 2017 йил, 16 декабрь.

²⁹Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика кўмитаси 2010, 2020 йил маълумотлари.

Бунинг асосий сабаби аёлларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, уларга қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган турли тадбирларнинг ўтказилиши, аёллар ўртасида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тарғибот тадбирларининг амалга оширилгани, уйма-уй юриш орқали хонадонлардаги муаммолар аниқланиб, уларга ўз вақтида кўрсатилган ёрдамлар, ҳуқуқбузарликларга мойил хотин-қизлар олдиндан аниқланиб, маҳаллий кенгаш депутатлари, раҳбар ва фаол аёлларни жалб қилган ҳолда улар билан яқка тартибда доимий равишда ишлаш тизими йўлга қўйилганлиги, зўрлик ишлатишдан жабр кўрган шахсларга ўз вақтида, манзилли ёрдам кўрсатиш ва уларни ҳимоя қилиш, ўз жонига қасд қилишга мойил хулқ-атвор пайдо бўлишига йўл қўймаслик ва унга эрта барҳам бериш мақсадида вилоят марказида ҳамда шаҳар ва туманларида реабилитация марказлари ташкил этилганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Мавжуд мактаблар, коллежлар, маҳаллаларда Ўзбекистон соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги бошланғич ташкилот касаба уюшмаси кўмитаси раислари хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, хотин-қизлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликнинг олдини олиш бўйича самарали чоралар кўриш мақсадида маҳалла мутахассислари билан ҳамкорликда маҳалла фуқаролар йиғинларида бир қатор ишлар амалга оширилган. Маҳаллаларда отинойилар, имом хатиблар, кенг жамоатчилик иштирокида йиғилишлар, семинарлар, тадбирлар ташкил этилган. Жиноятчиликка мойиллиги бўлган ёшларнинг фаолиятини доимий равишда назоратини олиб бориш мониторинги тузилиб, шу асосда назорат амалга ошириб борилган³⁰.

Мустақиллик йилларида хотин-қизларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва уларни ижтимоий муҳофаза этиш мақсадида қабул қилинаётган ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида вилоят бўйича жойларда аёлларни манзилли ва мақсадли равишда ижтимоий муаммоларини ҳал қилиш, уларни ижтимоий муҳофазалаш борасида тизимли ишлар амалга оширилди.

Шуни алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, оилада фарзандлар тарбиясига ота-она бирдек масъулдир. Аммо, баъзи оила бекалари узоқ муддатга турли мамлакатларга фарзанданинг тарбияси билан шуғулланиш масъуллиятдан қочиб ишлашга кетишаётгани, айниқса, спиртли ичимликларга ружу қўйганлар орасида хотин-қизларимизнинг учраши, ўз жонига қасд ва суиқасд қилган хотин-қизларнинг ҳам кўпайиши каби кўринишларининг содир этилишини олдини олиш бўйича айниқса, оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган аёлларга кўмак бериш, ишга жойлаштириш, уй-жой масаласини ҳал қилиш, эрта никоҳлар, ажрашишларни бартараф этиш орқали улар орасида жиноятчиликнинг олдини олишга алоҳида эътибор қаратилиши нафақат маҳалла ва оилани қўллаб қувватлаш бўлими мутахассисларининг балким, шу ҳудудда яшаётган ҳар бир фуқаро бирдек масъул бўлмоғи лозим.

³⁰Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Навоий вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Ф.И.Раҳимованинг 2018 йил 13 сентябрдаги 07/02-135-сонли хати// Навоий вилояти Хотин-қизлар кўмитасининг жорий архиви 2018 йил маълумоти.

ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИДА БОЛА ТУҒИЛИШИ БИЛАН АЛОҚАДОР УДМЛАР

Турсунова Насиба
Навоий давлат педагогика институти

Аждодларимиз томонидан амал қилиниб келинган бола туғилиши билан боғлиқ урф-одатлар ҳам Ўрта Осиё халқлари оилавий-маиший маросимлари фольклорининг қадимий қатламини ташкил этади. Чунки бола туғилиши билан алоқадор маросимлар таркибида қадимги мифологик тасаввурлар, магик инончлар, анимистик ва тотемистик қарашлар билан бир қаторда аждодлар ҳомийлигига ишониш анъанасининг излари ҳам сақланиб қолган. Халқимиз томонидан яратилган маросим фольклори жанрлари тизимида бола туғилиши ва бешик тўйи билан алоқадор удумлар, ирим-сиримлар, расм-русумлар, айтимлар, қўшиқлар, олқиш ва магик тасаввурлар муҳим ўрин тутаяди. Этнограф ва фольклоршунослар Троицкая А.Л. Снесарев Г. Фирштейн томонидан оилавий-маиший маросимлар фольклоридаги расм-русумлар, урф-одатлар, халқнинг қарашлари ҳамда эътиқодий инончлар маълум даражада ўрганилган.

Ўзбек фольклорида Анбар она, биби Фотима ва Анака момо, Тувгич момо каби персонажлар доя момолар пири деб талқин қилинади. Ҳомила туғилаётган пайтда аёл эсон-омон туғиши учун доя момолар: *“Менинг қўлим эмас, Анбар онамнинг қўли, Анбар она қўлласин!”* – деб ҳомий кучлардан мадад сўраганлар. Анбар она култи ва у билан боғлиқ халқ қарашлари Г.П.Снесарев, В.Н.Басилов, О.Сафаров каби олимларнинг асарларида атрофлича таҳлил қилинган.

Демак, бугунги кун фалсафасида ҳам момоларга, аёлларга бўлган эътибор, эътиқод ва ишонч тушунчаларининг улуғланиши қадимдан анъана сифатида қаралиши бежиз эмаслигини белгилайди.

Вақти соати билан роса тўққиз ой давомида она қорнида ривожланган бола дунё юзини кўради. Чақалоқ дунёга келгандан сўнг биринчи бор уйга олиб келганда, ўзидан катта опа ёки акаси бўлса чақалоқнинг оёғи кўрсатилади, негаки чақалоқдан куймасин, қизғанмаслиги учун ирим қилинади. Аслида болани юзини эмас оёғини кўрсатиш анъанаси кўз тегиши билан боғлиқ мифологик тасаввурлар таъсирида шаклланган. Чилласи чиқмаган чақалоқ кеч пайти ҳеч қаерда чиқарилмайди. Мабодо кеч тушганда бирон жойга олиб чиқилса, кўкрагига нон қўйилади. Нон-ризқ ҳисобланиб, ризқи билан кетсин, болою-қазодан асрасин, йўлдош бўлсин деган мақсадда ирим қилинади. Ноннинг ёвуз руҳлардан асраши тўғрисидаги мифологик тасаввурлар ўзбек халқида кўп учрайди. Қадимда озик – овқатнинг танқислиги сабабли нон камёб бўлган ва ўзининг сакрал моҳиятини шакллантирган. Шунинг учун нон илоҳий моҳият касб этади деган қарашлар шаклланиб, халқимиз орасида нонни тутиб қасам ичиш, болларнинг ёстиғи остига нон қўйиш анъаналари шаклланган. Қадимдан аждодларимиз култи бўлган, диний хурофот сифатида қаралган ирмлар ғойиб олам ва замин олами билан боғланганлигини тақозо этади.

Бола дунёга келгач “чилла” даври бошланади. “Чилла” даври иккига, яъни “катта” ва “кичкина” чиллага бўлинган бўлиб, бу даврда *“исм қўйиши”*, *“бола қулоғига азон айтиши”*, *“болани чўмилтириши”*, *“ит қўйлак ва чилла қўйлак кийдириши”*, *“чақалоқнинг беш, етти, тўққиз кунлигини ўтказиши”*, *“чақалоқни турли зиёнлардан асраш ритуаллари”*, *“чақалоқни кўз-суқдан сақлаш удумлари”*, *“чақалоқнинг киндиги тушиши”*, *“чилла сочини олиши”*, *“чилла тирноғини олиши”* ва *“бешикка солиши”* каби удум ҳамда маросимлар бажарилган.

Навойй вилояти аҳолиси орасида кўп учрайдиган иримлардан бири – кун ботган вақтда чақалокни кийими далада қолдирилмайди. Қолдирилса, бола учинади, чилла тушади, оғринади, деб ҳисоблайдилар. Чилласи чиқмаган боланинг кийимини уйдан ташқарида қолдиришнинг тақиқланиши ҳам ўзига хос мифологик моҳият касб этади. Халқимизда ёвуз кучлар тунда дохл бўлишига ишониш билан боғлиқ тасаввурлар мавжуд. Туркий мифологияда тун демоник кучларнинг фаоллашиш вақти сифатида қаралади. Жанубий Хоразм ўзбекларида бола туғилиши билан боғлиқ инончларни ўрганган Л.А.Фирштейн тадқиқотида ҳам янги кўзи ёриган аёлларнинг бир-бири билан кўришишлари тақиқланганлиги, кўришса, чилла тушади деб ирим қилиниши ҳақида маълумотлар келтирилади³¹. Фольклоршунос Л.Худойкулова тадқиқотларида эса, Сурхондарё ўзбеклари орасида янги кўзи ёриган оналарнинг чилла даври ва у билан боғлиқ иримлар борасида тўхталиб ўтилган³².

Хуллас, ўзбек халқида болани бешикка боғлаш билан боғлиқ маросимлар таркибида амал қилинадиган иримлар тарихий асосига кўра аждодларимизнинг қадимги сув, олов, аждодлар культлари ва анимистик тасаввурлари таъсирида шаклланган. Иримлар дастлаб мифологик моҳият касб этиб, эътиқод заминиде яшаган ва халқ тафаккурида даврлар ўтиши билан оғзаки айтимларга кўчган. Иримларнинг онгдан ҳаракатга, ҳаракатдан оғзаки ижодга кўчиши уларнинг мифопоэтик вазифа бажаришини юзага келтирган. Мана шу нуқтаи назардан бола туғилиши билан боғлиқ иримлар моҳияти табуга дахлдорлиги, мифологик моҳият касб этиши ва маросим таркибида ўринлашуви, унинг семантикаси сўз орқали ифода этилиши фольклорнинг кичик жанри эканлигини кўрсатади.

Халқимиз орасида кундалик фаолият билан боғлиқ оилавий маросимлар урф-одатлар ва иримлар моҳиятини замирида халқона дидактик воситанинг мазмун моҳияти муҳим аҳамият касб этиши билан характерланади. Негаки, маросим инсон маънавиятини юксалишига ва қадимий маънавий мероснинг муҳим пойдевор эканлиги, ёш авлодни комил инсон бўлиб етишига етакчилик қилади.

³¹ Фирштейн Л. А. О некоторых обычаях и поверьях, связанных с рождением и воспитанием ребёнка у узбеков Южного Хорезма // Семья и семейные обряды у народов Средней Азии и Казахстана. – Москва, Наука, 1978. – С.192.

³² Худойкулова Л. Рождение ребёнка и связанные с ним обряды в узбекском фольклоре// Филологические науки. Вопросы теории и практики (входит в перечень ВАК). – Тамбов, Грамота, 2010. № 3. – С. 166-169.

ETIQODLAR BILAN BOG‘LIQ AYOLLAR MAROSIMLARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR.

**Rizoyeva Mehriniso Abduazizovna,
Navoiy davlat pedagogika instituti**

Xalqimiz an'anaviy turmush tarzidagi urf-odatlarining aksariyati asl mohiyati va mazmuni unutilgan bo'lsada, islomiy ko'rinishda yoki u bilan o'zaro uyg'unlashib odat, an'ana sifatida yashab kelayotgani tasdiqlangan. Islomiy urf – odat va marosimlar bilan qadimiy diniy etiqodlarga xos bo'lgan odatlar orasida aniq chegarani belgilash uchun maxsus tadqiqotlar olib borish maqsadga muvofiq. Bu bir tomondan xalqimiz milliy urf-odatlari va an'analari uzoq tarixiy asosga ega ekanligidan dalolat bersa, boshqa tarafdin, an'ana va qadriyatlar izlarini tadqiq etish bugungi kunning muhim muammolaridan biri hisoblanadi.

Ma'lumki, har bir marosimning o'ziga xos xususiyat va xarakteri bor. Markaziy Osiyoning ayrim hududlarida ayollar ishtirokida o'tkaziladigan jamoaviy marosimlar, yig'inlar, asosan, homiy ayol kultlariga bag'ishlanadi. Xuddi shunday ayollarga xos marosimlardan biri otinoyilar rahbarligida bajariladigan Bibiseshanba marosimidir. Tarixiy manbalarda qayd etilishicha, Bibiseshanba kelib chiqish mohiyatiga ko'ra, ma'buda ramzi bo'lib, uning ildizi O'rta Osiyo va O'rta Sharqda Islom dini kelguniga qadar keng yoyilgan ma'buda Anaxita (Nohid)ga borib taqaladi. Anaxita dehqonchilik va chorvachilik, hosildorlik va pishiqchilik ma'budasi hisoblanib, go'yo uning qudratiga inson va hayvonlar, qushlar va barcha jonivorlar ham bo'ysungan, deb hisoblanilar edi. Shu tariqa u Bibi mushkul kushod, ya'ni kishini har qanday mushkuldan xalos etuvchi Ona obraziga aylangan.

Rus etnologi O. Gorshunovanning[1] fikricha, Bibi seshanba, (Seshanba xonim) musulmon dinida mo'min ayollarning sajda qilinadigan ob'ekti bo'lgan ma'buda pir ya'ni ayollarning afsonaviy homiysi Momo ayol ajdodlarga sig'inish nomi bilan bog'liq. Ayrim mualliflar "Bibimushkulkushod" va "Bibiseshanba" obrazlarini so'fiylik - Muhammad Bahouddin Naqshband ta'limoti bilan uzviy bog'liq holda hisobga olib, ularni oila o'chog'i posbonlari deb hisoblaydilar. Taniqli etnograf O.A.Suxarevaning[2] yozishicha, Bibi seshanba va Bibimushkulkushodga oid "musulmon mifologiyasi" musulmonlarga qadar bo'lgan e'tiqodlarga asoslangani uchun bu ikki ayol kultlari islom diniga singib, avliyolar darajasiga ko'tarilgan. Hozirda O'zbekistonning ko'pgina viloyatlarida yashovchi aholi orasida Mushkulkushod va Bibi seshanba marosimlari saqlanib qolgan. Bu marosim ko'plab turkiy xalqlar orasida keng tarqalgan. Turkiston o'lkasida Bibi seshanba, Turkiyada Peishenbe-kari yoki Parshamba pari, Eronda Bibi-xur va Bibi Nur, Afg'onistonda Bibi Risinda, Bibi Charxiy, uyg'urlar orasida Bibi seshanba nomi bilan mashhur bo'lgan.

Marosimlar asosan, ayollar orasida mushkulni oson qilish maqsadida, ish yurishmay qolsa, qiz yoki yigitga tengi topilmay qolganda, homilador ayollarning farzandlarini eson-omon qo'llariga olishlari maqsadida o'qitiladi. Shuningdek, Bibi seshanba o'zbek va tojik xalqlari mifologiyasida oilaviy baxt timsoli bo'lib, ip yigiruvchilar va tikuvchilarning homiysi hisoblanadi[3]. Azaldan to'quvchilar mehnatlari tufayli topgan sarmoyalaridan ma'lum bir qismini pirlari- Bibi seshanba sharafiga ziyofat uyushtirib exson qilishgan, shuningdek, "qo'llarini yangilashgan"[4].

Xalq orasida Bibi seshanba to'quvchi ayollarning homiy piri sanalgani uchun marosim nishonlanayotgan kun ayollarning ip yigirishlari qat'iy taqiqlangan. G'arbiy Yevropadagi Zolushka ertagiga o'xshash mazkur afsona o'choq kultiga borib taqaladi. Afsonaviy ertakdan iborat bu kabi marosimlarni o'tkazish mumkinligini tasdiqlovchi birorta dalil "Qur'oni karim", hadis va boshqa muqaddas kitoblarda mavjud bo'lmasa-da, respublikamizning ayrim joylarida hozir ham mazkur an'ana mavjud. Bibi seshanba haqidagi hikoya marosimiy dasturxon ustida aytilib, unda faqat ayollar qatnashadi. Mamlakatimizning turli hududlarida Bibi seshanba (Seshanba ona) marosimini o'tkazish odatda seshanba kunlariga mo'ljallangan. Uning ismidagi «seshanba» so'zi haftaning unga atalgan kunini ko'rsatadi. Zarafshon voxasida o'tkaziladigan "Bibi seshanba" marosimining o'ziga xos etnik-mahalliy xususiyatlari mavjud. "Bibi seshanba" qissasiga ko'ra, bir yetim qiz o'gay ona qo'lida xorlik tortar ekan. O'gay ona har kuni qizning qo'lga paxta berib, paxtani yigirib, sigirni o'tlatib kelishni aytar ekan. Ip yigirmay kelgan kuni o'gay ona qizga ko'p azob-uqubatlar berar ekan. Bir kuni qiz sigirini boqish va paxtani yigirish uchun ketayotganda sigir qochib bir g'orga kirib ketibdi. Qiz ham sigirini ketidan g'orga kiribdi va g'orda o'tirgan nuroniy bir momoga ko'zi tushibdi. Qiz momoga salom beribdi. Momo qizning salomiga alik olib, undan xol-ahvolini so'rabdi. Qiz ma'yuslik bilan o'zining hayotini, murg'ak qalbidagi iztiroblarini kampirga gapirib beribdi. Shunda Momo:- Men seni duo qilaman, mushkullaring yengillashadi, sen esa meni har zamonda bir-bir yo'qlab turgin, -deb tayinlaydi. Bundan so'ng qiz momo (bibi)ni tez-tez kelib yo'qlab turadigan bo'libdi. Kunlarning birida qiz o'zi yashaydigan shahar kattalaridan birinikiga to'yga bormoqchi bo'libdi, qizning ust-boshi urinib qolganligi sababli Bibi jannatga qo'l uzatib qizga jannatdan kiyim-kechaklar olib beribdi. To'yga borgan qiz to'yda o'gay onasini ko'rib, qo'rqqanidan qochib qolibdi. To'yxonadan chiqayotganida qizning oyog'idan kavushi tushib qolibdi. Kavushini topib olgan to'y xonadonining o'g'li kimga bu kavush to'g'ri kelsa, unga uylanishini aytibdi. Kovush qizga to'g'ri kelibdi va yigit qizga uylanibdi. Bibi qizga vasiyat qilib: mehnating rohatga, mashaqqating davlatga aylandi. Meni eslab, haqqimga duo qilib, taom tayyorlab, bu qissani bayon qilib tur, -deb tayinlaydi. Shundan so'ng qiz har zamon- har zamonda bibini yo'qlab, mazkur qissani aytib, bibini nomiga atab marosim o'kazib turar ekan. Bibi seshanba marosimi odatda qizlarni turmushga berishdan oldin, ularning oilasi farovonligini ta'minlash maqsadida o'tkaziladi[5]. Ayrim xududlarda ushbu marosim to'ydan keyingi kunlarda ham o'tkaziladi. Marosim chog'ida otinoyi (marosim tarixini o'qib eshittiruvchi) oldiga supra yoyilib, un, ikkitita sham, ikki yoki to'rtta non, umoch oshi (xamir ovqat), 7 ta chalpak (qotir) yog'da qovurilgan yupqa tortilgan, bo'g'irsoq va holvaytar pishirilgan. Marosim taomi sifatida tayyorlanadigan umoch oshi asosan seshanba va chorshanba kunlari faqat ayollar tomonidan tayyorlangan. Bibiseshanba marosimini o'tkazmoqchi bo'lgan ayol yuziga oq ro'mol o'rab, yetti uyni aylanib (ostonadan o'tmasdan) bir kosa (osh kosasi) un olib yurgan. Azaldan sharq xalqlarining o'zlari va butun dunyo o'rtasidagi chegara hisoblangan ostonaga alohida munosabatda bo'lganlar. Mana shu maqsadda marosim o'tkazadigan xonadon egalari ham bu an'anaga amal qilishgan, ya'ni uy ostonasidan oshib ketmaganlar. Ayrim xududlarda marosimga tayyorgarlik ko'rish chog'ida qo'shnilaridan un so'rash odat tusiga kirmagan bo'lsa-da, uylarining to'rt burchagiga un solingan laganlar qo'yishadi. Qoidaga ko'ra, marosim taomining xamiri suv bilan qoriladi (ayrim hududlarda rayhon o'simligi qo'shiladi).

Axborotchilar [6] marosim taomlari tarkibining asosini un tashkil qilishini farishtalarning unli taomlarni afzal ko'rishi bilan izohlaydilar. Bibi seshanba marosimining asosiy ramzlaridan biri bu supradir. Supra yerga uch marta yoyiladi.

Birinchi marta supra muvaffaqiyat, omad va baxt tilaklari uchun ochiladi. Bibi seshanba onadan ikkinchi marta himoya va yo'l ochishni so'rashadi. Uchinchi marta, bu harakatni uy bekasi amalga oshiradi, o'zining orzu va maqsadlariga erishishi, barcha muammolarini hal qilishda Bibidan yordam so'rab murojaat qiladi. Marosim odatda uch yoki to'rt ayol ishtirokida amalga oshiriladi.

Yoyilgan supra atrofida faqat bevalar va turmushga chiqmagan qizlar otinoyi boshchiligida o'tiradilar, keyin marosim taomlari tortiladi. Marosimning asosiy shartlaridan biri faqat bevalar va turmushga chiqmagan qizlar uchun noz-ne'matlar tayyorlashdir. Bunday holda, turmush qurgan ayollar va erkaklarning taom tanovul qilishi, ayniqsa erkak kishining marosim taomini tatib ko'rishi qat'iy taqiqlanadi. Axborotchilarning guvohlik berishicha, marosim bo'lib o'tgan uydan olib kelingan noz-ne'matni tatib ko'rgan kishilarga talofot yetishi mumkin (ich burug'i, ko'z og'rig'i).

Bizningcha, bevalarning marosimida ishtirok etishi qiyin masalada yordam sifatida qabul qilinadi. Karmanada Bibi seshanba marosimida qatnashuvchilar soni cheklanmagan, ammo bevalar soni toq bo'lishi kerak, deb hisoblanadi (uch yoki besh kishi). Marosimning asosiy qismi birinchi taom tortilgandan keyin boshlanadi. Qadimda kampirlar supra ustiga sham yoqib, rivoyat va ko'rsatmalarni boshlab berishgan bo'lsa, bugungi kunda shamlar faqat rivoyat paytida yonadi va "Qur'on" o'qiyotganda shamni o'chirish kerakligi aytiladi. Jarayonda umoch oshi tanovul qilinib, qotir- chalpak, is (bo'girsoq), shirinliklar marosim qatnashchilariga tarqatiladi. Marosimni olib borgan otinoyiga oq ro'mol, un berish rasm tusiga kirgan. Qizi bor marosim ishtirokchilariga ham is (bo'girsoq), xolvaytar, shirinliklar beriladi. Marosim yakunida supra yig'ilib taxmonga qo'yadi. Taxmonga qo'yilgan suprani darhol ishlatish mumkin emas. "Bibi supراسي" supada bir oz vaqt o'tkazishi kerak.

Ba'zan Bibi seshanba ruhiga yordam so'rab murojaat qilish shirkning ko'rinishi ekanligi haqidagi fikrlar ham mavjud. Bu marosimning hayotiyliги uning so'fiylik bilan bevosita bog'liqligi va marosim davomida otinoyi tomonidan rang-barang talqin qilinishi bilan izohlanadi. Bizningcha, ushbu marosim ayollar o'rtasidagi jamoaviy muloqotning bir shakli bo'lib, oilaviy muammolarni hal qilishga qaratilgani bois ularga ma'lum bir ma'naviy qoniqish bergan, shuningdek, uzoq ajdodlar diniy e'tiqodlari taraqqiyoti tarixining yashovchanlik xususiyatidan darak beradi.

Adabiyotlar:

1. Горшунова О.В. Женское паломничество к святым местам (по материалам Ферганской долины) // Итоги полевых исследований. - М., 2000. - С. 23-39.
2. О.А. Сухарева. Древние обряды, верования и культы народов Средней Азии. // Сборник. М., 1986.
3. Сухарева О. А. Вопросы о культе мусульманских святых в Средней Азии // Труды института истории и археологии. Том. II. – Т.: 1950. – С. 173.; Ўзбек совет энциклопедияси. – Т.: Ўзбек совет энциклопедияси бош редакцияси, 1976. – Б. 207.; Женщина в мифах и легендах. – Т.: Главная редакция энциклопедий, 1992. – С. 57.

4.Dissertantning folklor ekspeditsiyasi materiallari. Navoiy viloyati, Karmana tumani. Axborotchi: Mukarram baxshi Otaqulova . 55 yosh,o'rta ma'lumotli. 2020 yil sentyabrda yozib olingan

5.Горшунова О. В. Отынча. // ЭО, № 3. 2001. – С. 136.; Хабиба Фатхи. Смысл женских ритуалов Биби Мушкулькушод и Биби Сешанбе в современной Центральной Азии. – С.14.; Полевые записи Булакбашинский туман Андижанского вилоята, 2007 г.

6.Dissertantning folklor ekspeditsiyasi materiallari. Navoiy viloyati, Karmana tumani. Axborotchi: Zaynab baxshi Boychayeva . 59 yosh,o'rta ma'lumotli. 2019 yil avgustda yozib olingan.

Сборник материалов межрегионального форума «Женщины и девушки в науке и в технологии - 2023». Международной научно-практической конференции. Навоийский государственный горно-технологический университет. Навой 11 февраля 2023 года.

№	Содержание	Стр.
	1 – секция. Актуальные экологические проблемы, интеграция экономики и управление промышленности	
1.	Турсунова И.Н., Ашурова Н.Б., Жаббарова О. Г. УСТОЙЧИВОЕ РАЗВИТИЕ В РЕШЕНИЕ ПРОБЛЕМ ИЗМЕНЕНИЯ КЛИМАТА И ЭКОНОМИКИ	3
2.	Уринова Х.Ш., Тодерич К.Н. НАВОИ ВИЛОЯТИ ШАРОИТИДА I. TINCTORIA НИНГ АЙРИМ БИОЭКОЛОГИК ХУСУСИЯТЛАРИ	5
3.	Чекулаева К.А. ИННОВАЦИОННЫЙ ПОТЕНЦИАЛ СОВРЕМЕННОЙ ЭКОНОМИКИ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН	7
4.	Аллаберганова Г.М., Аликулова У., Сирожева С., Ҳакимова С.З. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ТЕХНОГЕН ТАЪСИРИ ҲУДУДЛАРИДАГИ ЕР ОСТИ ВА ЕР УСТИ СУВЛАРИНИНГ РАДИАЦИОН КЎРСАТКИЧЛАРИ ТАДҚИҚИ	10
5.	Allaberganova G.M., Axtamova G.A, Davronova G.J, Shukurova T.G. O‘ZBEKISTONNING URAN TARKIBLI HUDUDLARINING HAR XIL TABIIY SUVLARIDAGI URANNING IZOTOP ANALIZINI O‘TKAZISH USULLARI	13
6.	Джураева Д.У., Ёйлитирова М. А. ГЛОБАЛЬНЫЕ ЭКОЛОГИЧЕСКИЕ ПРОБЛЕМЫ И ИХ РЕШЕНИЕ	16
7.	Адилова М. Т. ГЕОАХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ҲУДУДЛАРИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ МУАММОЛАРИНИ ЎРГАНИШ ВОСИТАСИ СИФАТИДА	19
8.	Farmanova M.A. KON-METALLURGIYA OQAVA SUVLARINI TOZALASH BIOTEKNOLOGIYASI.	23
9.	Toirova N.A., Shavkidinova N.M. TABIIY RESURSLARNI BOSHQARISH, EKOLOGIYA VA ATROF-MUHIT MUHOFAZASI	24
10.	Urunova X.Sh. Esanbayeva H.N. APPLICATION OF MEMBRANE TECHNOLOGIES BASED ON REVERSE OSMOSIS AND ULTRAFILTRATION METHODS.	27
11.	Қаландарова Г.Н. ЭКОЛОГИК ТОЗА ВА ҚАЙТА ТИКЛАНАДИГАН ЭНЕРГЕТИКАНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАСАЛАЛАРИ ХУСУСИДА	30
12.	Хамдамова М. И. СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДИКИ ПРЕПОДАВАНИЯ БИОЛОГИЧЕСКИХ ДИСЦИПЛИН В РАЗВИТИИ ПРОГНОСТИЧЕСКИХ УМЕНИЙ ПРЕПОДАВАТЕЙ В СОВРЕМЕННОМ ВУЗЕ	33
13.	Shavqiddinova S. GO‘SHTNING TARKIBI I VA FOYDALI JIHATLARI	36
14.	Qayumova G.G., Shavkidinova N. O‘ZBEKISTONDA YETISHTIRILGAN ARMORACIA RUSTICANA O‘SIMLIGINING BARGIDAN OLINGAN YANGI EKSTRAKTLARNING MINERAL TAHLILI	38
15.	Turolova G. O‘ZBEKISTON HUDUDIDA BEZGAK CHIVINLARINI TARQALISHI VA UNGA QARSHI KURASH	40

Сборник материалов межрегионального форума «Женщины и девушки в науке и в технологии - 2023». Международной научно-практической конференции. Навоийский государственный горно-технологический университет. Навой 11 февраля 2023 года.

№	Содержание	Стр.
	2– секция. Современное состояние и направления развития геотехнологии	
16.	Самадова Г.М., Абдусаматова Н.С. ОСНОВНЫЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЕ ПАРАМЕТРЫ В ВЫРАБОТКАХ КАРЬЕРА ПРИ ПОВЫШЕНИИ ИНТЕНСИВНОСТИ ДВИЖЕНИЯ ТРАНСПОРТА В КАРЬЕРЕ И ЭКОЛОГИЧНОСТИ ПЕРЕВОЗОК	43
17.	Иманбаева С.Б., Маусымбаева А.Д. ИССЛЕДОВАНИЕ ВЛИЯНИЯ ПРИРОДНОЙ МЕТАНОНОСНОСТИ НА ВЫБРОСОПАСНОСТЬ ПЛАСТА D ₆	48
18.	Туляганова Н. Ш., Рахматуллаева Ш. Д. ВЗАИМООТНОШЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНЫХ РАЗРЫВНЫХ НАРУШЕНИЙ С ПРОЦЕССАМИ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗМЕЩЕНИЯ ЗОЛОТОРУДНЫХ ПРОЯВЛЕНИЙ ЗАПАДНОГО УЗБЕКИСТАНА	51
19.	Рашидова Р.К., Бахриддинова П.Г. ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ КАЧЕСТВО БАЗАЛЬТОВЫХ СЫРЬЕВЫХ РЕСУРСОВ УЗБЕКИСТАНА	56
20.	Rajabova M.Q., Sharafutdinov U.Z. URANLI SULFAT KISLOTALI MAHSULDOR ERITMALARNING TARKIBIDA MAVJUD KAMYOV VA KAMYOV YER ELEMENTLARINI AJRATIB OLISHNI HOZIRGI KUNDAGI AXAMIYATI	60
21.	Алланазарова П.Ж. АДАПТИВНЫЕ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ НАСОСНЫХ СТАНЦИЙ	62
	3- Секция. Инновации и перспективы развития горного промышленности, машиностроения и электромеханики	
22.	Абдунабиева М.В. УСЛОВИЯ ЛОКАЛИЗАЦИИ ЗОЛОТА В МЕСТОРОЖДЕНИЯХ ЮЖНО-НУРАТИНСКИХ ГОР	64
23.	Илясова Д. М. ПЕРСПЕКТИВЫ НА ВОЛЬФРАМ СЕВЕРО -ЗАПАДНОЙ ЧАСТИ КАРАТЮБИНСКИХ ГОР	69
24.	Boyeva O.H., Ibragimova Ch.Q. UZLUKSIZ XARAKTERLI TEXNOLOGIK OB'YEKTLARNI BOSHQARISH TIZIMLARIDA TESKARI ALOQALARNI TANLASHNING TURG'UN ALGORITMLARI	73
25.	Abdunazarova D. Yu., Abdunazarova M. Yu. ASETILEN ISHLAB CHIQRISH JARAYONIDA CHIZIQLI AVTOMATIK BOSHQARUV SISTEMALARINING TURG'UNLIGINI MATLAB DASTURIDA TADQIQ ETISH	77
26.	Туляганова Н.Ш., Рахматуллаева Ш. Д. ВЗАИМООТНОШЕНИЕ РЕГИОНАЛЬНЫХ РАЗРЫВНЫХ НАРУШЕНИЙ С ПРОЦЕССАМИ ФОРМИРОВАНИЯ И РАЗМЕЩЕНИЯ ЗОЛОТОРУДНЫХ ПРОЯВЛЕНИЙ ЗАПАДНОГО УЗБЕКИСТАНА	80
27.	Normatova M. J., Davronova G. J., Hakimova S. Z. KARYERLARDA PORTLATISH ISHLARINI OLIV BORISHDA ATROF MUHITGA SALBIY TA'SIRINI KAMAUTIRISH	85
28.	Арибжонова Д. Э., Бекназарова Г. Б. ИССЛЕДОВАНИЕ МЕТОДОВ ПОЛУЧЕНИЯ ФЕРРОМАРГАНЦА ИЗ ВЫСОКОФОСФОРНЫХ И МАРГАНЦЕВЫХ РУД ДАУТАШСКОГО РУДНИКА	89

Сборник материалов межрегионального форума «Женщины и девушки в науке и в технологии - 2023». Международной научно-практической конференции. Навоийский государственный горно-технологический университет. Навой 11 февраля 2023 года.

№	Содержание	Стр.
29.	Ташева Х. К МЕТОДУ РАСЧЕТА УДЕЛЬНОЙ НОРМЫ РАСХОДА ЭНЕРГЕТИЧЕСКИХ РЕСУРСОВ ПРИ ИЗМЕЛЬЧЕНИИ РУДЫ	92
30.	Юнусова О.М. ХАРАКТЕР ПРОЯВЛЕНИЯ ОПОРНОГО КС В ГРАВИТАЦИОННЫХ ПОЛЯХ	95
	4-секция. Инновации и перспективы развития металлургии и технология неорганических веществ и материалов на их основе	
31.	Ergasheva Sh. A. BENTONIT GILLARIDAN XO'LJALIK SOVUNI VA BOSHQA YUVUVCHI TOZALOVCHI VOSITALAR ISHLAB CHIQRISH HOLATINING TAHLILI	99
32.	Ахтамова М. З. МАРКАЗИЙ ҚИЗИЛҚУМ ФОСФОРИТЛАРИ ВА ИШҚОРИЙ ТУЗЛАР АСОСИДА ТЕРМОФОСФАТЛИ МАҲСУЛОТЛАР ОЛИШНИНГ ТАТБИҚИ	101
33.	Muxammatova U.X. MARKZAZIY QIZILQUM FOSFORITLAR TARKIBIDAN ZARARLI MODDALARNI AJRATISH USULLARI NATIJALARI	104
34.	Mamarizayeva N.Z. BEDANALARNING O'SIB-RIVOJLANISHIGA SUT ZARDOBINING TA'SIRI	107
35.	Номозова Г. Р. НАТРИЙ ГИПОХЛОРИТИ АСОСИДА НАТИЙ ХЛОРАТИНИ ОЛИШ	108
36.	Номозова Г.Р., Кенжаева С.Х., Умиров Ф.Э., Дормишкин О.Б. ИЗУЧЕНИЕ ДИАГРАММЕ РАСТВОРИМОСТИ В СИСТЕМЕ ГИПОХЛОРИТА НАТРИЯ-ХЛОРИДА КАЛИЯ-ВОДЫ	112
37.	Тилавова Л.И. ИССЛЕДОВАНИЕ ТЕХНОЛОГИЧЕСКИХ И ТЕРМИЧЕСКИХ ХАРАКТЕРИСТИК КОМПОЗИЦИЙ ПОЛУЧЕННЫХ НА ОСНОВЕ ОТХОДОВ ПОЛИЭТИЛЕНТЕРЕФТАЛАТА С ПОЛИЭТИЛЕНОМ	116
38.	Худойбердиева Н.Ш. КОНВЕКТИВНАЯ ТЕПЛООТДАЧА В ТРУБЕ БЕЗ ЗЕРНИСТОГО МАТЕРИАЛА	118
39.	Хамидова Г. О., Умиров Ф.Э. ДЕФОЛИАНТЛАР ОЛИШДА ЭРУВЧАНЛИК ДИАГРАММАЛАРНИНГ РОЛИ	121
	5-секция. Проблема интеграция науки и образования в современном ВУЗе, как ключевой фактор обеспечения качества подготовки специалистов	
40.	Петросова Л.И. , Гарибян И.И , Маметкулова С., Пирмамедова Э. ПУТИ РЕШЕНИЯ ПРОБЛЕМ ИНТЕГРАЦИИ НАУКИ И ОБРАЗОВАНИЯ В ТЕХНИЧЕСКИХ ВУЗАХ	124
41.	Мирзажанова С.Б. НАУЧНЫЕ ТРУДЫ И РЕЗУЛЬТАТЫ ЖЕНЩИН-УЧЕНЫХ, РАБОТАЮЩИХ В УЗБЕКИСТАНЕ	127
42.	Bazarova U. M. IMPROVING ETHICAL AND AESTHETIC EDUCATION OF STUDENTS OF TECHNICAL HIGHER EDUCATION THROUGH A FOREIGN LANGUAGE	129

Сборник материалов межрегионального форума «Женщины и девушки в науке и в технологии - 2023». Международной научно-практической конференции. Навоийский государственный горно-технологический университет. Навой 11 февраля 2023 года.

№	Содержание	Стр.
43.	Шарипова И.А. ИНТЕГРАЦИЯ STEAM ТЕХНОЛОГИЙ В КЛАССЕ ИНОСТРАННОГО ЯЗЫКА	131
44.	Haydarova S.A, Narzullayeva Sh.A. MAKTAB O'QITUVCHILARINING KASBIY KOMPETENTLIGIGA QO'YILADIGAN TALABLAR	134
45.	Xo'jaeva G. S. LINGVISTIKADA ATAMASHUNOSLIK TUZULISHINING ASOSIY MEZONI	137
46.	Kushbakova V. N. COMMUNICATIVE SKILLS OF STUDENTS OF PEDAGOGICAL HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	139
47.	Doniyorova M. A. BO'LAJAK MUHANDISLARNI TAYYORLASHDA TA'LIM VA ISHLAB CHIQRISH INTEGRATSIYASI	141
48.	Mamarizayeva F.Z. CHET TILLARNI O'QITISHDAGI AKTUAL MUAMMOLAR	143
49.	Хайтова Ш. Ф., Хайтова С. Ф., Сайфуллаева Г. И. УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА АСТРОНОМИЯНИ АХБОРОТ ТАЪЛИМ МУҲИТЛАРИ ЁРДАМИДА ЎҚИТИШ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ МОДЕЛИ	146
50.	Mirzaeva Kh. THE ROLE OF ICT IN TEACHING ENGLISH LANGUAGE	150
51.	Sharipova B. O. "QIROL LIR" ASARIDA AYOLLAR OBRAZLARINING BADIY TALQINI VA TAHLILI	153
52.	Sobirova M. J. TERMINOLOGIK TEZAURUSLAR DOLZARBLIGI VA ULARNING LINGVISTIK ONTOLOGIYA UCHUN AHAMIYATI	155
53.	Suyarova Sh. T. STUDENTS' SKILLS OF WORKING WITH TEXTS RELATED TO SPECIALIZATION IN FOREIGN LANGUAGE COURSES OF HIGHER EDUCATION INSTITUTIONS	158
54.	To'ychiyeva M. O. TA'LIM JARAYONIDA MUAMMOLI VAZIYATLARNI YARATISH METODIKASIDAN FOYDALANISH	160
55.	Shovqidinova M. Z. OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA RAQOBATBARDOSH KARDLAR TAYYORLASH VA EKOLOGIK TA'LIMNING DOLZARB MUAMMOLARI	163
56.	Uzakova K. Y. MECHANISM OF FORMATION OF SYSTEMATIC ANALYSIS, CRITICAL AND CREATIVE THINKING SKILLS OF HIGHER EDUCATION STUDENTS	164
57.	Umarkhojaeva D. M. FORMATION OF LANGUAGE SKILLS IN FOREIGN LANGUAGE CLASSES OF AGAR UNIVERSITY	167
58.	Юлдашева М.Б. МУЛЬТИМЕДИЙНЫЕ ПРЕЗЕНТАЦИИ КАК СРЕДСТВО ОБУЧЕНИЯ БИОЛОГИИ	168
59.	Бурханова М. Г. РОЛЬ И ВЛИЯНИЕ ЖЕНЩИНЫ В РАЗВИТИЕ УЗБЕКСКОЙ ИНТЕЛЛИГЕНЦИИ (НА ПРИМЕРЕ ФИЛОСОФСКОГО АНАЛИЗА РАБОТ САДРИДДИНА АЙНИ И АБДУРАУФА ФИТРАТА)	170
60.	Yo'ldosheva N. Yu., Nasirova Sh. N. INFORMATIKA TURKUMIGA KIRUVCHI FANLARDAN ELEKTRON TA'LIM RESURSLARI TA'MINOTINI TAKOMILLASHTIRISH	173
61.	Kamilova D. K. ANALYSIS OF THE SYSTEM OF "BUSINESS" TERMS IN ENGLISH	175

Сборник материалов межрегионального форума «Женщины и девушки в науке и в технологии - 2023». Международной научно-практической конференции. Навоийский государственный горно-технологический университет. Навой 11 февраля 2023 года.

№	Содержание	Стр.
62.	Каримова К.Б. ЖАМИЯТДА АЕЛЛАРГА БЎЛГАН МУНОСАБАТ МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА УЛАР ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ҚЎЛЛАНИЛАЁТГАН АФЗАЛЛИКЛАР	177
63.	Rahmanova M. Q., Raimboeva K. O. TALABA YOSHLARDA MA'NAVIY ANHQIY SIFATLARNI RIVOJLANTIRISHNING IJTIMOY OMILLARI	183
64.	Ataqulova M. N. PEDAGOGIKA OLIY TA'LIM MUASSASALARIDA BIOLOGIYA FANLARINI O'QITISHDA TALABALAR PJODIY TAFAKKURINI RIVOJLANTIRISH ORQALI TADQIQOTCHILIK FAOLIYATIGA JALB ETISH	184
65.	Рахманова М. Қ., Бекмирзаев А.А. “УСТОЗ-ШОГИРД” ФАОЛИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШДА ШАРҚ ВА ҒАРБ МУТАФАККИРЛАРИНИНГ ИЛҒОР ҚАРАШЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ	191
66.	Арипходжаева М.Б., Рахматова Д.М., Гуломова Г.М. ТЕХНИКА СОҲАСИДАГИ ГЕНДЕР ТЕНГЛИК ЁХУД АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ	194
67.	Манглиева Ж. Х., Эргашева Ш. А. ЯНГИ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯДА КРОССВОРД УСУЛИ АМАЛИЙ МЕХАНИКАДАН КРОССВОРДЛАР	197
68.	Рахманова М. Қ., Одилов О. ШОГИРДДА ЭНГ ЯХШИ СИФАТ ВА ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ	200
69.	Мирзаева М. Н. МАДАНИЯТЛАРАРО МУЛОҚОТ КОМПЕТЕНЦИЯСИ	202
70.	Рахманова М.Қ., Холбутаева М.Т. ШОГИРДЛАРДА ЭНГ ЯХШИ АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ТИЗИМИ	204
71.	Каримова Н. А.УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА КАСБГА ЙЎНАЛТИРИБ ЎҚИТИШНИНГ МЕТОДИК ТИЗИМИ	205
72.	Зокирова Д.Н. КАСБИЙ КОМПЕТЕНТЛИКНИ ЛОЙИҲА-ЛАШТИРИШНИНГ ЧИЗИҚЛИ СИНТЕТИК МОДУЛИ	207
73.	Nasirova Sh. N. ELEKTRON TA'LIM MUXITIDA PEDAGOGIK DASTURIY VOSITALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI	21
74.	Tursinboyeva Z.U., Ismoilova Z.T. AUTOMATION SOLVING THE PROBLEM OF MATH PHYSICS BASED ON AN INTERDISCIPLINARY APPROACH	212
75.	Tursinboyeva Z.U., Ismoilova Z.T. DASTURLASHNING AYRIM IQTISODIY TADBIQLARI	215
76.	Ахмедова Н.М. РАЗВИТИЕ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КОММУНИКАТИВНОЙ КОМПЕТЕНТНОСТИ СТУДЕНТОВ ТЕХНИЧЕСКОГО ВУЗА	217
77.	Karimova N.A., Toxirova D. A. RAQAMLI TA'LIM SHAROITIDA BIOLOGIYADAN O'QUVCHILAR BILIMINI BAHOLASH	219
78.	Hasanova Kh. B. SCIENTIFIC ANALYSIS OF THE FANTASY GENRE IN THE WORKS OF KHUDOYBERDI TUKHTABOEV	221
79.	Shavkatova Sh. Sh. , Shavkatov Sh.Sh. O'ZBEK VA INGLIZ TILLARIDAGI OZIY-OVQAT VA ICHIMLIK NOMLAR ISHTIROK ETGAN FRAZEOLOGIZMLARNING LINGVOKULTUROLOGIK XUSUSIYATLARI	223
80.	Шамиева О. Р. РОЛЬ ПСИХОЛОГИИ В ПОДГОТОВКЕ СПЕЦИАЛИСТА - ИНЖЕНЕРА	225

Сборник материалов межрегионального форума «Женщины и девушки в науке и в технологии - 2023». Международной научно-практической конференции. Навоийский государственный горно-технологический университет. Навой 11 февраля 2023 года.

№	Содержание	Стр.
81.	Eshbayeva Z.N . AUTO PLAY MEDIA STUDIO 8 DASTURIDA “ELEKTRON TA’LIM RESURSI” YARATISH	227
82.	Ochilova N.U. TARJIMA TO’G’RISIDAGI ILMIY NAZARIY QARASHLAR	231
83.	Istamova D.S. DIFFICULTIES OF TEACHING ESP	235
84.	Allayarova G.N. DEVELOPMENT OF THE SOCIOCULTURAL COMPETENCE OF STUDENTS IN ENGLISH LANGUAGE LESSONS	238
85.	Ismailova G. F. TECHNOLOGY FOR DEVELOPING STUDENTS' INDEPENDENT LEARNING COMPETENCE	239
86.	Azizova Z. R. CHET TILI DARSLARI JARAYONIDA QISHLOQ XO’JALIGIGA OID MATNLARDA TERMINLARNING QO’LLANISHI	242
87.	Boyqo‘ziyeva M. INGLIZ TILINI OQITISHNING INNOVATSION USULLARI	243
88.	Muxammadiyeva R., Janzakova N. G’. GENDER TENGLIKNI TA’MINLASHDA XOTIN-QIZLARNING IJTIMOIIY-SIYOSIIY FAOLLIGI	246
89.	Xalilova Z. F. FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR ORQALI O’QUVCHILARDA OLMON TILIGA QIZIQISHINI RIVOJLANTIRISH	248
90.	Bozorova A. M., Mirzaqandova S. X., Sayfullayeva G. I. ASTRONOMIYA FANINI O’QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHNIN AHAMIYATI	252
91	Rashidova N. N., Egamova F. I., Sayfullayeva G. I. TEXNOLOGIYA FANIDA INNOVATSION TA’LIM TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI	256
92	Meylieva M. S. O’QUVCHILARNI KASBGA YO’LLASHDA SINFDAN VA MAKTABDAN TASHQARI ISHLARNI TASHKIL ETISH	259
93	Рахманова М. К., Маъмурбоев Д. ИНСОН СИФАТЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ.	260
94	Ибодова Н.К. АКАДЕМИК ИБРАХИМ МУМИНОВ: МОЙ ПЕРВЫЙ УЧИТЕЛЬ – МОЯ МАМА	263
95	Адилова Н. А. ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ МАНТЛАРДАГИ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ	270
96	Abriyeva Sh. E, Nasirova Sh. N. BILIMLARNI O’ZLASHTIRISHDA ELEKTRON TA’LIM RESURSLARIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI	272
97	Самиева Ш. Х. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ	274
98	Д.М.Рўзиева, Йўлдошева М., Бўстонова У. ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲОЛАТЛАРИ (НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)	277
99	Турсунова Н. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИДА БОЛА ТУҒИЛИШИ БИЛАН АЛОҚАДОР УДМЛАР	279
100	Rizoyeva M.A. ETIQODLAR BILAN BOG’LIQ AYOLLAR MAROSIMLARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	281

Материалы межрегионального форума . Навои 11 февраля 2023г.
/Отв.ред. PhD.,доц. И.Н. Турсунова – Навои, НГГТУ, 2023,- 291 стр.

Набор и верстка Турсунова И.Н., Рашидова Р.К. Навоийский
государственный горно-технологический университет, г. Навоий. Ул. Галоба
шох 76а.

Сборник материалов межрегионального форума «Женщины и девушки в науке и в технологии - 2023». Международной научно-практической конференции. Навоийский государственный горно-технологический университет. Навой 11 февраля 2023 года.

№	Содержание	Стр.
81.	Eshbayeva Z.N . AUTO PLAY MEDIA STUDIO 8 DASTURIDA “ELEKTRON TA’LIM RESURSI” YARATISH	227
82.	Ochilova N.U. TARJIMA TO’G’RISIDAGI ILMIY NAZARIY QARASHLAR	231
83.	Istamova D.S. DIFFICULTIES OF TEACHING ESP	235
84.	Allayarova G.N. DEVELOPMENT OF THE SOCIOCULTURAL COMPETENCE OF STUDENTS IN ENGLISH LANGUAGE LESSONS	238
85.	Ismailova G. F. TECHNOLOGY FOR DEVELOPING STUDENTS' INDEPENDENT LEARNING COMPETENCE	239
86.	Azizova Z. R. CHET TILI DARSLARI JARAYONIDA QISHLOQ XO’JALIGIGA OID MATNLARDA TERMINLARNING QO’LLANISHI	242
87.	Boyqo‘ziyeva M. INGLIZ TILINI OQITISHNING INNOVATSION USULLARI	243
88.	Muxammadiyeva R., Janzakova N. G’. GENDER TENGLIKNI TA’MINLASHDA XOTIN-QIZLARNING IJTIMOIIY-SIYOSIIY FAOLLIGI	246
89.	Xalilova Z. F. FRAZEOLOGIK BIRLIKLAR ORQALI O’QUVCHILARDA OLMON TILIGA QIZIQISHINI RIVOJLANTIRISH	248
90.	Bozorova A. M., Mirzaqandova S. X., Sayfullayeva G. I. ASTRONOMIYA FANINI O’QITISHDA INNOVATSION TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGINI OSHIRISHNIN AHAMIYATI	252
91	Rashidova N. N., Egamova F. I., Sayfullayeva G. I. TEXNOLOGIYA FANIDA INNOVATSION TA’LIM TEXNOLOGIYALARINING AHAMIYATI	256
92	Meylieva M. S. O’QUVCHILARNI KASBGA YO’LLASHDA SINFDAN VA MAKTABDAN TASHQARI ISHLARNI TASHKIL ETISH	259
93	Рахманова М. К., Маъмурбоев Д. ИНСОН СИФАТЛАРИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ.	260
94	Ибодова Н.К. АКАДЕМИК ИБРАХИМ МУМИНОВ: МОЙ ПЕРВЫЙ УЧИТЕЛЬ – МОЯ МАМА	263
95	Адилова Н. А. ЧЕТ ТИЛИ ДАРСЛАРИДА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ СОҲАСИГА ОИД АТАМАЛАРНИНГ МАНТЛАРДАГИ ЛЕКСИК ХУСУСИЯТЛАРИ	270
96	Abriyeva Sh. E, Nasirova Sh. N. BILIMLARNI O’ZLASHTIRISHDA ELEKTRON TA’LIM RESURSLARIDAN FOYDALANISH SAMARADORLIGI	272
97	Самиева Ш. Х. ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИЛМ-ФАН ТАРАҚҚИЁТИДА АЁЛЛАРНИНГ ЎРНИ ВА РОЛИ	274
98	Д.М.Рўзиева, Йўлдошева М., Бўстонова У. ХОТИН-ҚИЗЛАР ЖИНОЯТЧИЛИГИ ВА ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ҲОЛАТЛАРИ (НАВОИЙ ВИЛОЯТИ МИСОЛИДА)	277
99	Турсунова Н. ЎРТА ОСИЁ ХАЛҚЛАРИДА БОЛА ТУФИЛИШИ БИЛАН АЛОҚАДОР УДМЛАР	279
100	Rizoyeva M.A. ETIQODLAR BILAN BOG’LIQ AYOLLAR MAROSIMLARI XUSUSIDA AYRIM MULOHAZALAR	281